



## ARTICLE INFO

Received: 18<sup>th</sup> January 2024

Accepted: 25<sup>th</sup> January 2024

Online: 26<sup>th</sup> January 2024

## KEY WORDS

Процессуал мажбурлов, мажбурий, келтириш, чора, жиноят иши, суд.

## ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА МАЖБУРИЙ КЕЛТИРИШ ПРОЦЕССУАЛ МАЖБУРЛОВ ЧОРАСИНИНГ ТУШУНЧАСИ ВА АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ

**Ходжамуратов Улуғбек Нуруллоевич**

Ўзбекистон Республикаси Стратегик таҳлил ва истиқболни  
белгилаш олий мактаби тингловчиси

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.10571142>

## ABSTRACT

Мазкур мақолада мажбурий келтириш процессуал мажбурлов чорасининг мазмун-моҳияти ва ижтимоий-ҳуқуқий зарурати бўйича фикр-мулоҳазалар юритилиб, уни амалга ошириш тартиби баён қилинган. Шунингдек, мажбурий келтириш процессуал мажбурлов чорасини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳаларида жуда кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Айниқса, жиноят ва жиноят процессуал қонунчиликларда шахсининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга оид юздан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар<sup>1</sup>нинг қабул қилинганлиги ва амалиётга жорий этилганлигини фикримизни тасдиғидир.

Жиноят содир этилгани ёки уни содир этилишига тайёргарлик кўриляётгани тўғрисида хабарни текшириш ва тегишлича жиноятни аниқлаш, унда айбли шахсларни фош этиш демократик ҳуқуқий давлат органларининг муҳим вазифаларидан биридир. Жиноят ишини қўзғатиш, суриштирув ва дастлабки тергов ҳаракатларини олиб бориш, шунингдек ишни судда мазмунан ҳал этиш бир қатор қонуний чора-тадбирларни амалга оширишни тақозо қилади. Шу жумладан, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд шахсининг ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш билан боғлиқ мажбурлов чораларини қўллашига тўғри келади.

Амалдаги Жиноят-процессуал қонунчилигига мувофиқ, шахс, жамият ва давлат манфаатларига зарар етказган яъни жиноят содир этган шахсларга нисбатан давлат томонидан белгиланган таъсир чоралари тегишли органларнинг мансабдор шахслари томонидан мажбурий тартибда қўлланиши мумкин. Ушбу ҳолатда давлат мажбурловининг шакли бўлган жиноят-процессуал мажбурлов чоралари қўлланилади. Жиноят-процессуал мажбурлов чораларини қўллашдан асосий мақсад процесс иштирокчиларининг зиммасидаги мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш ҳамда жиноят ишларини юритиш учун тўғри бўлган шароитларни яратишдан иборат.

ЖПКнинг тўртинчи бўлимида процессуал мажбурлов чоралари белгиланган бўлиб улар қуйидагиларни ташкил қилади:

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. // <https://www.lex.uz/>



- ушлаб туриш;
- эҳтиёт чоралари;
- паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш;
- лавозимдан четлаштириш;
- мажбурий келтириш;
- шахсни тиббий муассасага жойлаштириш;
- процесс иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш;
- суриштирув, дастлабки тергов ва судда процессуал мажбуриятлар ҳамда тартибни бузганлик учун жавобгарлик<sup>2</sup>.

Шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари, унинг дахлсизлигини бирор даражада чекланиши мажбурлов ҳисобланиб, у ижтимоий таъсир кўрсатишнинг ўткир ва қатъий воситасидир. Процессуал мажбурлов инсоннинг эркинлигини чеклаб, унга давлат томонидан таклиф этилаётган шароитдан бошқа ҳолатларни танлаш имкониятини бермайди. Шундай бўлса-да, мажбурлов ҳуқуқни тартибга солиш механизмнинг зарурий элементидир. Процессуал мажбурлов - давлатнинг ваколатли органлари ва мансабдор шахсларининг шахс, жамият ва давлат манфаатлари йўлида ҳаракат қилишга бўйсундириш (мажбурлаш) мақсадида шахсга нисбатан руҳий, моддий ва жисмоний таъсир ўтказилишидир.

*Жиноят-процессуал мажбурлов* деганда, жиноят процессининг вазифалари самарали рўёбга чиқарилишини таъминлаш, одил судловни амалга оширишга таҳдид туғдирувчи ноқонуний қилмишларнинг олдини олиш мақсадида, қонунда белгиланган асослар мавжуд бўлганда ва белгиланган тартибда ваколатли субъектлар томонидан жиноят процессининг иштирокчиларига нисбатан қўлланиладиган шахсий, мулкӣ ва ташкилий тавсифдаги ҳуқуқий чекловлар кўринишидаги давлатнинг таъсир чоралари йиғиндиси тушунилади<sup>3</sup>.

Жиноят процессида қўлланиладиган мажбурлов чоралари қонуннинг бажарилишини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий мажбурлов чораларининг тури сифатида фақат қонунда кўрсатилган ҳолларда, шахсга нисбатан ишонтириш чораси фойда бермаган вақтда қўлланилиши мумкин. Мажбурлов деярли барча ҳолларда жисмоний куч ишлатишни эмас, шахснинг ҳошишига қарши, унинг манфаатларига зид равишда кўриладиган чора-тадбирлардан иборат.

Дастлабки тергов ҳаракатлари ва жиноят ишларини судда кўриш жиноят процессуал фаолият доирасига жалб этилган барча шахс ва органларнинг фаол иштироки заруратини назарда тутлади. Жиноят ишларининг тергов ва судда кўришнинг у ёки бу иштирокчиларнинг ўз процессуал мажбуриятларини бажаришдан бош тортиши иш бўйича ҳолисона ҳақиқатни аниқлашга ҳамда одил судловни амалга ошириша жиддий тарзда халақит бериши мумкин. Шу боисдан ҳам қонун чиқарувчи тергов ва суд органларига шахсларни нафақат чақириш тартибини бирма-бир тартибга

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // <https://lex.uz/docs/111460> (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси).

<sup>3</sup> Жиноят-процессуал ҳуқуқ: Дарслик // юридик фанлар доктори, професор М.А.Ражабова таҳрири остида. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. – Б. 256.



солади, балки уларни таъминлаш эҳтимоли бўлган воситаларни ҳам назарда тутди. Бундай воситалардан бири мажбурий келтиришдир.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 261-моддасида *чақирувга биноан ҳозир бўлиш мажбурияти* кўрсатилган бўлиб, унга кўра, “Жинойт ишини юритиш муносабати билан суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд томонидан белгиланган тартибда чақирилган шахслар айнан кўрсатилган вақтда ҳозир бўлишлари шарт. Узрсиз сабабларга кўра келмаганлари тақдирда улар мажбурий келтириладилар<sup>4</sup>” деб белгилаб ўтилган.

Мазкур моддада барча жиноят процесси иштирокчилари, терговга қадар текширув, суриштирув, тергов ҳаракатлари ҳамда суднинг иш юритуви давомида суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд томонидан белгиланган тартибда чақирилган тақдирда қарорда, ажримда ёки чақирув хатида кўрсатиб ўтилган вақтда келиши шартлиги қайд қилиб ўтилган.

Жиноят процессуал ҳуқуқида ҳар бир атамани мазмун-моҳиятини чуқур англаш ва тушуниб етиш учун авваломбор атаманинг ўзбек тилида қўлланишидаги том маъносини, яъни этимологик жиҳатдан маъносига эътибор беришни ўринли деб ҳисоблаймиз. А.Мадвалиев таҳрири остидаги ўзбек тилининг изоҳли луғатида “Мажбур” сўзи (арабча – қилиниши шарт, ноилож) ўз хоҳиш-иҳтиёридан ташқари, кимнингдир амри, зўри билан ёки бирор нарсанинг тақозоси туфайли қандайдир бир ишни қилиши шарт ҳолати<sup>5</sup> маъносини ифодалайди. “Мажбурий” сўзи эса хоҳ иҳтиёрий, хоҳ иҳтиёрсиз бажарилиши, амалга оширилиши шарт бўлган<sup>6</sup> маъносида ифодаланган.

“Келмоқ” сўзи эса юриш, учиш ҳаракати ёки транспорт воситалари билан маълум бир тегишли жойга йўл олмоқ, йўналтирмоқ маъноларини ифодалаши кўрсатилган<sup>7</sup>. Демак, “Келтириш” сўзи бошқа шахс томонидан юриш ёки транспорт воситалари билан маълум бир тегишли жойга олиб бориш, йўналтириш маъносида ифодаланади.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси, Фуқаролик процессуал кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси, «Судлар тўғрисида», «Прокуратура тўғрисида» ҳамда «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ, шунингдек, суриштирув, дастлабки тергов органлари ёки судга узрсиз сабабларга кўра келишдан бош тортган шахсларни мажбурий келтириш бўйича топшириқларни ижро этиш тартибини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 15 декабрь кундаги “Суриштирув, дастлабки тергов органлари ёки судга узрсиз сабабларга кўра келишдан бош тортган шахсларни мажбурий келтириш бўйича топшириқларни ижро этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги №1024-сонли қарори<sup>8</sup> қабул қилинган. Ушбу қарорда ҳам процесс иштирокчилари суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд томонидан белгиланган тартибда чақирилган тақдирда келиши шартлиги, келмаган

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // <https://lex.uz/docs/111460> (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси).

<sup>5</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А.Мадвалиев таҳрири остида. – Т. - Б. 552. // <http://n.ziyouz.com>.

<sup>6</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А.Мадвалиев таҳрири остида. – Т. - Б. 552. // <http://n.ziyouz.com>.

<sup>7</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А.Мадвалиев таҳрири остида. – Т. - Б. 347. // <http://n.ziyouz.com>.

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. <https://lex.uz/docs/4107057> (электрон манбаага мурожаат этилган вақт: 12.12.2023)



тақдирда мажбурий келтиришлиги мустаҳкамлаб қўйилган. Қарорга кўра, “Мажбурий келтириш гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи, гувоҳнинг жиноят ишлари бўйича процессуал ҳаракатларда ёки суд мажлисида иштирок этишини таъминлаш учун, улар узрсиз сабабларга кўра келишдан бош тортганлиги аниқланган тақдирда суриштирувчи, терговчи ёки прокурорнинг қарори ҳамда суднинг ажримига асосан қўлланилади” деб қайд қилинган.

ФПКнинг 144-моддасига мувофиқ, мажбурий келтириш вояга етмаганларга, ҳомиладор аёлларга, касаллиги, ёши ёки бошқа узрли сабабларга кўра суд мажлисига кела олмайдиган шахсларга нисбатан қўлланилиши мумкин эмас. Аммо жиноят ишларида вояга етмаганларнинг мажбурий келтирилишига йўл қўйилади, бу уларнинг ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар орқали амалга оширилиши керак. Ички ишлар органи ходими мажбурий келтиришни амалга ошираётганида келтирилиши лозим бўлган вояга етмаган шахснинг ота-онасини ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларни мажбурий келтириш тўғрисидаги қарор (ажрим) билан таништириб, бу ҳақда имзо чектиради<sup>9</sup>.

Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчини олдиндан чақирувсиз мажбурий келтириш улар суриштирув, дастлабки тергов ва суддан яшириниб юрган ёки аниқ яшаш жойи бўлмаган тақдирда қўлланилиши мумкин.

Судланувчининг судга келмаганлиги сабабини олдиндан аниқламасдан туриб, мажбурий келтиришга алоҳида ҳолларда, ишни кўриш судланувчи бўлмаганлиги сабабли кейинга қолдирилаётган ва бунда унинг турган жойи тўғрисида маълумот бўлмаган тақдирда ҳам йўл қўйилади. (ЖПК 410-моддасининг шарҳига қаранг). Бу ҳолларда суд мажбурий келтириш тўғрисида ажрим чиқариб, унинг ижросини суриштирув органига топширишга, судланувчи мажбурий келтирилгандан кейин эса, унга нисбатан жиддийроқ эҳтиёт чорасини қўллашга ҳақли бўлади. Мажбурий келтирилган шахслар процессуал мажбуриятларини бузганликлари учун суд томонидан уларга жарима солиш ҳақида ажрим чиқаришига йўл қўйилади (ЖПК 274-моддасининг шарҳига қаранг). ЖПК 145-моддасининг иккинчи қисмига биноан, гувоҳлантиришдан бош тортаётган шахслар мажбурий келтирилиши ва гувоҳлантирилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 262-моддасида *мажбурий келтириш лозим бўлган шахслар* кўрсатилган бўлиб унга кўра, “Мажбурий келтириш гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг, жабрланувчининг, гувоҳнинг процессуал ҳаракатларда ёки суд мажлисида иштирок этишини таъминлаш учун, башарти улар узрсиз сабабларга кўра келишдан бош тортганлиги аниқланган тақдирда, қўлланилади.

Шуни алоҳида айтиш жоизки, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчини олдиндан чақирувсиз мажбурий келтириш улар суриштирув, дастлабки тергов ва суддан яшириниб юрган ёки аниқ яшаш жойи бўлмаган тақдирда қўлланилиши мумкин.

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. <https://lex.uz/docs/3517337> Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. (электрон манбаага мурожаат этилган вақт: 12.12.2023)



Шунингдек, судланувчининг судга келмаганлиги сабабини олдиндан аниқламасдан туриб, мажбурий келтиришга алоҳида ҳолларда, ишни кўриш судланувчи бўлмаганлиги сабабли кейинга қолдирилаётган ва бунда унинг турган жойи тўғрисида маълумот бўлмаган тақдирда йўл қўйилади.

Гувоҳга ёки жабрланувчига нисбатан мажбурий келтиришнинг қўлланилгани уларни кўрсатув беришдан бош тортганлик учун қонунда белгиланган жавобгарликдан озод қилмайди” деб белгилаб ўтилган.

ЖПКнинг 57-моддасида фуқаровий даъвогар деб эътироф этилган шахс айтилган вақтда жабрланувчининг барча ҳуқуқларидан фойдаланиши ва унинг мажбуриятларини бажариши шарт эканлиги таъкидланган. Демак, фуқаровий даъвогар ҳам мажбурий келтирилиши мумкин.

ЖПКнинг 74-моддасига биноан, холис ўзи иштирок этган тергов ҳаракатини юритиш билан боғлиқ ҳолатлар бўйича гувоҳ тариқасида сўроқ қилинганда, ЖПКнинг 66-моддасида назарда тутилган гувоҳнинг ҳуқуқларидан фойдаланади ва мажбуриятларини бажаради. Шунингдек, холис гувоҳнинг мажбуриятларини бажараётган ҳолларда, унга нисбатан мажбурий келтириш тарзидаги процессуал мажбуриятлар чораси қўлланилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 263-моддасига кўра, суриштирувчи, терговчи, прокурор мажбурий келтириш тўғрисида қарор, суд эса ажрим чиқаради. Ушбу қарорда ёки ажримда: мажбурий келтирилиши керак бўлган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми; унинг процессуал мавқеи; яшаш ёки иш жойи; мажбурий келтириш учун асослар; шахсни қаерга ва қачон олиб келиш кераклиги; мажбурий келтириш кимга топширилганлиги кўрсатилган бўлиши лозим.

Мажбурий келтириш учун суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг мажбурий келтириш тўғрисидаги қарори ҳамда жиноят, маъмурий ёки фуқаролик ишлари бўйича суднинг ажрими асос ҳисобланади.

Мажбурий келтирилиши лозим бўлган шахсни топган ички ишлар органининг ходими уни қарор ёки ажрим билан таништириб тилхат олади ва мазкур қарорни ёки ажримни чиқарган суриштирувчи, терговчи, прокурор ёхуд судга олиб келади. Бунда қарорга (ажримга) шахс топилган вақт ва жой, уни олиб келиб топширилган вақт, шунингдек унинг мажбурий келтирилиши билан боғлиқ ариза, шикоят ва илтимослар ҳақидаги маълумотнома илова қилиниши лозим.

Ички ишлар органи шахснинг қочиб кетганлиги, таътилда, хизмат сафаридан эканлиги, оғир касаллиги ёки бошқа сабабларга кўра йўқлиги оқибатида мажбурий келтиришга имкон бўлмаганлигини аниқласа, бу ҳақда маълумотнома тузади ҳамда қарорни ёки ажримни чиқарган суриштирувчи, терговчи, прокурорга ёхуд судга хабар беради.

Мажбурий келтириш тўғрисидаги суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажрими ушбу қарор ёки ажримда кўрсатилган муддатда ижро этилиши шарт.

Мажбурий келтириш тўғрисидаги қарор (ажрим) иш юритиладиган жойдаги ёки мажбурий келтирилиши лозим бўлган шахснинг яшаш жойи, турган жойи, иш, хизмат ёхуд ўқиш жойидаги ҳудудий ички ишлар органига ижро учун юборилади.



Мажбурий келтириш тўғрисидаги қарор (ажрим) келиб тушган куннинг ўзида ички ишлар органининг котибиятида юритилган махсус журналда рўйхатга олиниши ва ички ишлар органи бошлиғи, у бўлмаганда унинг вазифасини вақтинча бажарувчи шахс томонидан ижро этиш учун профилактика (катта) инспектори ёки жиноят қидирув ходимига топширилиши ва ижроси назорат қилиниши лозим.

Мажбурий келтириш тўғрисидаги қарор (ажрим)нинг ижросини таъминлаш мақсадида бошқа туман ёки вилоятга бориб келиш зарурати туғилганда бириктирилган ҳудудни ташлаб кетиш лозим бўлган ҳолатларда профилактика (катта) инспекторларига қарор (ажрим)ни ижро этиш учун топширилиши қатъиян тақиқланади.

Ички ишлар органи ходими мажбурий келтирилиши лозим бўлган шахсни мажбурий келтириш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган вақтда ва жойга олиб бориш чораларини кўриши шарт.

Ички ишлар органи ходими мажбурий келтириш тўғрисидаги қарор (ажрим)ни ижро этишда шахснинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига амал қилиши, унинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиши ҳамда мажбурий келтирилаётган шахсга унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириши шарт.

Шахсни мажбурий келтириш соат 06:00 дан 22:00 гача бўлган вақт оралиғида амалга оширилади, (суриштирув, дастлабки тергов ва суддан яшириниб юрган ёки аниқ яшаш жойи бўлмаган ҳолатлар бундан мустасно)

Мажбурий келтирилиши лозим бўлган шахс топилган тақдирда, ички ишлар органи ходими унга мажбурий келтириш тўғрисидаги қарор (ажрим)ни таништириб, тилхат олиши ва мазкур қарор (ажрим)ни чиқарган суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судга олиб келиши шарт. Бунда қарор (ажрим)га шахс топилган вақт ва жой, уни олиб келиб топширилган вақт, шунингдек унинг мажбурий келтирилиши билан боғлиқ ариза, шикоят ва илтимослар ҳақидаги маълумотнома илова қилиниши лозим.

Мажбурий келтирилиши лозим бўлган шахс ўқиса ёки ишласа мажбурий келтириш тўғрисидаги қарор (ажрим) унинг ўқиш ёки иш жойидаги маъмурияга маълум қилинади ва ижросини таъминлашда амалий ёрдам кўрсатиши юзасидан кўрсатма берилади.

Мажбурий келтиришни ижро этиш вақтида қонуний талабларга қаршилик кўрсатилганда ички ишлар органи ходими қаршилик кўрсатган шахсга нисбатан «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ жисмоний куч, махсус восита ва ўқотар қуролни қўллаш ҳуқуқига эга.

Мазкур ҳолда баённома тузилади ва унда ҳуқуқбузарликнинг хусусияти, вақти ва жойи ҳамда шахсга нисбатан қўлланилган чоралар кўрсатилади. Жисмоний куч ва махсус восита қўлланилганлиги ҳақида икки кун муддатда, ўқотар қурол қўлланилганлиги ҳақида 24 соатда билдирги билан бирга баённома ички ишлар органи бошлиғига тақдим этилади. Бу ҳақда мажбурий келтириш тўғрисида қарор (ажрим) чиқарган суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд хабардор қилинади.

Жисмоний куч ишлатилганлиги ва махсус воситалар қўлланилганлиги оқибатида жисмоний шахсларнинг ҳаётига, соғлиғига ёки мол-мулкига, шунингдек, юридик



шахсларнинг мол-мулкига зарар етказилган ҳар бир ҳолат ҳақида, шунингдек ўқотар қурол қўлланилган барча ҳолатлар тўғрисида прокурорга дарҳол хабар берилади.

Мажбурий келтирилган шахс суриштирувчига, терговчига, прокурорга ёки судга топширилганда улар томонидан шахс қабул қилиб олинганлиги ҳақида маълумотнома (баённома) нусхасига имзо қўйиб, тасдиқлайди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 264-моддасига мувофиқ ички ишлар органи шахснинг қочиб кетганлиги, таътилда, хизмат сафаридан эканлиги, оғир касаллиги ёки бошқа сабабларга кўра йўқлиги оқибатида мажбурий келтиришга имкон бўлмаганлигини аниқласа, бу ҳақда маълумотнома тузади ҳамда қарорни ёки ажримни чиқарган суриштирувчи, терговчи, прокурорга ёхуд судга хабар беради.

Ушбу маълумотномада шахсни мажбурий келтиришга имкон бермаган ҳолатлар батафсил ёритилиб, мажбурий келтириш тўғрисидаги қарор (ажрим)ни ижро этаётган ходим, маҳалла фуқаролар йиғини раиси, холислар ва бошқа иштирок этган шахслар томонидан имзоланади.

Мажбурий келтирилиши лозим бўлган шахс, чақирилган жойга оғир касаллиги туфайли бора олмаслигини маълум қилган тақдирда, унинг касаллиги ҳудудий соғлиқни сақлаш муассасаси томонидан белгиланган тартибда тасдиқланиши шарт.

Ҳудудий соғлиқни сақлаш муассасаси томонидан берилган тиббий маълумотнома шахсни мажбурий келтиришга имкон бўлмаганлиги муносабати билан тузилган маълумотномага илова қилиниши лозим.

Мажбурий келтирилиши лозим бўлган шахсни яшаш ёки иш жойидан топишнинг имкони бўлмай, ҳақиқий турар жойини аниқлаш учун вақт талаб этиладиган ҳолларда, мажбурий келтириш тўғрисидаги қарор (ажрим) чиқарган суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судья бу ҳақида 5 кун муддатда хабардор қилинади.

Мажбурий келтириш билан боғлиқ харажатлар мажбурий келтирилган шахсдан суд тартибида давлат фойдасига ундирилади.

Суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судга чақирилганда келмаган процесс иштирокчисидан — ишнинг судда кўрилиши ёки тергов ҳаракатлари ўтказилиши унинг узрсиз сабабларга кўра келмаслиги оқибатида кечиктирилган ҳолларда ҳам процессуал чиқимлар суд тартибида давлат фойдасига ундирилади.

Мажбурий келтириш тўғрисидаги қарорни ижро этган ички ишлар органи ходими қилинган харажатлар ҳақидаги маълумотномани икки кун ичида ички ишлар органларининг молия бўлинмаларидан олиши ва ундириш чорасини кўриш учун суриштирувчига, терговчига, прокурорга ёки судга тақдим этиши шарт.

Мажбурий келтириш учун қилинган харажатлар ҳақидаги маълумотнома ички ишлар органларининг молия бўлинмалари томонидан имзоланган ва гербли муҳр қўйилган бўлиши лозим.

Фуқаролик ва маъмурий ишлар бўйича суд муҳокамасига мажбурий келтириладиган шахснинг, шу жумладан жиноят ишлари бўйича жабрланувчи ёки гувоҳнинг келиб кетиш, турар жойни ижарага олиш билан боғлиқ харажатларни тўлаш имкониятига эга эмаслиги тўғрисида тасдиқланган ҳужжатлар асосида ушбу харажатлар суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг қарори ёки суднинг



ажримига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига қопланади.

Мажбурий келтириш билан боғлиқ харажатлар назоратни олиб борувчи прокурор томонидан берилган даъво аризаси асосида ҳам ундирилиши мумкин.

Бизга маълумки ЖПКнинг 261-моддаси чақирувга биноан ҳозир бўлиш мажбурияти деб номланган бўлиб, ушуб модданинг 1-қисмида жиноят ишини юритиш муносабати билан суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд томонидан белгиланган тартибда чақирилган шахслар айнан кўрсатилган вақтда ҳозир бўлишлари шартлиги белгиланган.

Бироқ фақатгина жиноят иши доирасидагина эмас, балки терговга қадар текширув ишлари бўйича ҳам процесс иштрокчиларини чақирилиши ҳамда улар билан терговга қадар текширув доирасида тегишли тергов ва процессуал ҳаракатлар олиб борилиши мумкин. Шунингдек, айнан терговга қадар текширув вақтида ҳам шахсларнинг яъни процесс иштрокчиларининг чақирувга биноан келмаслик ҳолатлари жуда кўплаб учраб туради (*Амалиётда мавжуд бўлган 100 дан ортиқ терговга қадар текширув ҳужжатлари ўрганилганда кузатилган*).

Шуни алоҳида айтиш жоизки, айнан терговга қадар текширув вақтида ҳам суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суддан ташқари айнан терговга қадар текширув органининг мансабдор шахси томонидан шахсларнинг, чақирувга биноан келмасликлари, шунингдек, уларни иш бўйича мажбурий келтириш ҳолатлари учраши тайин. Бироқ ЖПКнинг 261-моддасида терговга қадар текширув органининг мансабдор шахси ва терговга қадар текширув ишлари юзасидан чақирилган шахслар айнан кўрсатилган вақтда келиши шартлиги белгилаб ўтилмаган. Бу эса терговга қадар текширув ишларини қонуний ва тўлиқ ўтказилишига тўсқинлик қилмасдан қолмайди.

Юқорида кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш мақсадида ЖПК мажбурий келтириш процессуал мажбурулов чораси кўрсатилган нормаларига терговга қадар текширув юритиш жараёнини ва терговга қадар текширув органи мансабдор шахсини қўшиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Юқоридаги берилган фикрлардан келиб чиқиб, Жиноят процессуал кодекси 261-моддаси 1-қисмини қуйидаги таҳрирда баён этиш лозим:

***“Терговга қадар текширув ва жиноят ишини юритиш муносабати билан терговга қадар текширув органи мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд томонидан белгиланган тартибда чақирилган шахслар айнан кўрсатилган вақтда ҳозир бўлишлари шарт.”***

Шунингдек, Жиноят процессуал кодекси 263-моддасини қуйидаги таҳрирда баён этиш лозим:

***“Терговга қадар текширув органи мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор мажбурий келтириш тўғрисида қарор, суд эса ажрим чиқаради. Ушбу қарорда ёки ажримда: мажбурий келтирилиши керак бўлган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми; унинг процессуал мавқеи; яшаш ёки иш жойи; мажбурий келтириш учун асослар; шахсни қаерга ва қачон олиб келиш кераклиги; мажбурий келтириш кимга топширилганлиги кўрсатилган бўлиши лозим.”***



Юқоридаги ўзгартиришлар мажбурий келтириш процессуал мажбурлов чорасини такомиллаштириш билан бирга, терговга қадар текширув ва жиноят ишлари доирасида ишни тўлиқ, қонуний ўтказилишига ёрдам беради.

## References:

1. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. // <https://www.lex.uz/>
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // <https://lex.uz/docs/111460> (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси).
3. Жиноят-процессуал ҳуқуқ: Дарслик // юридик фанлар доктори, професор М.А.Ражабова таҳрири остида. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. – Б. 256.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А.Мадвалиев таҳрири остида. – Т. - Б. 347, 552. // <http://n.ziyouz.com>.
5. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. <https://lex.uz/docs/3517337> Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. (электрон манбаага мурожаат этилган вақт: 12.12.2023)